

ФРАНЦ ҲОЛЕР ИЖОДИНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ

Кучкарова Хафиза Шербабаевна

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
немис тили назарий фанлар кафедраси
PhD, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
E-mail: hafisakuchkarova@mail.ru

Abstract

In this Article, views and analyzes of the work of the famous Swiss writer Franz Hohler in the context of world literary studies are given in the studies of various scientists. The unique aspects of Franz Hohler's short stories are studied by literary scholars – Hans Goemer, Peter Haertling, etc. the specificity of the formal-content structure of Franz Hohler's works was determined; the significance of Franz Hohler's work was revealed through the analysis of small prose and the systematization of existing points of view in literary criticism.

Key words: world literary, Swiss literary, short stories, literary analysis, small prose, literary criticism.

Аннотация

Мазкур мақолада машҳур швейцар ёзувчиси Франц Ҳолер ижодининг жаҳон адабиётшунослиги контекстида турли олимлар томонидан тадқиқ қилинганлиги ўрганилган. Мақолада Франц Ҳолер кичик ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари адабиётшунос олимлар – Ханс Гюмер, Петер Ҳэртлинг ва б. томонидан ўрганилиши таҳлили келтирилади. Ёзувчи ижодининг аҳамияти кичик наср таҳлили жаҳон адабиёти контекстида мавжуд нуқтаи назарни тизимлаштириш орқали очиб берилди.

Таянч сўзлар: жаҳон адабиёти, Швейцария адабиёти, кичик ҳикоялар, адабиёт таҳлил, митти ҳикоялар, адабий танқид.

Замонавий Швейцария кичик жанрларининг ривожланиш палласи “Кичик жанрлар устаси”[1] Франц Ҳолер номи билан узвий боғлиқ. Франц Ҳолер нафақат Швейцария тарихида, балки немисзабон мамлакатлар адабиёти тарихида кичик жанрда энг кўп ижод қилган ҳикоянавис носир ҳисобланади”[2] . Бугунга қадар адибнинг 28 та ҳикоялар тўплами нашрдан чиққан ва аксарияти дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Франц Ҳолер томонидан яратилган асарлар ўзида сиёсий ва долзарб мавзуларни юмористик, баъзан эса сатирик усулларда очиб бергани билан ажралиб туради. Франц Ҳолер асарлари реалликка, яъни ҳаётийликка

асослангандир[3]. Шундай тўпламларидан бири “Das verlorene Gähnen und andere nutzlose Geschichten”[4], яъни „Бой берилган эсноқ ҳамда бошқа бифойда воқеалар” деб аталса-да, бош мавзу – вақтни беҳуда йўқотмасликдир.

Китобхонларни айнан шу хусусият ўзига кўпроқ жалб қилар? Инсон борки, бошидан кечирган, ҳис қилган туйғуларини ўзи ўқиётган китобдан топса, у шу туйғуларнинг ичига янада чуқур ғарқ бўлади. Унинг “Йўл-йўлакай ҳикоялар” (“Wegwerfgeschichten”)[5] сочма ҳикоялар тўплами ҳам худди шундай долзарблик касб этади.

Франц Ҳолер Швейцария адабиётининг тирик классикаси, унинг ижоди мамлакатнинг маданий бойлигидир. Ёзувчи энг кичик (митти ҳикоялар) ва кичик ҳикоялар билан бир қаторда бутун бошли китоб бўла оладиган қиссалар ёзади. Унинг 2014 йилда чоп этилган “Spaziergänge”[6] ҳамда 2015 йилда нашр этилган „Ein Feuer im Garten“¹ (“Боғдаги ёнғин”) ҳикоялар тўпламидан танлаб олинган ҳикоялар ўзбек тилига таржима қилиниб, битта тўплам сифатида чоп этилди.”[7]. “Боғдаги ёнғин” тўпламидан 15 та митти ҳикоялар ҳам ўрин олган.

Франц Ҳолер швейцар адабиётида қисқа ҳикоялар жанрини янги даражага олиб чиқа олди. Унинг турли ёшдаги қатламга муносиб жуда кўплаб асарлари мавжуд. Унинг ижод намуналарида долзарб сиёсий мавзулар ҳамда ҳаётини кўринишларнинг тасвири билан китобхон диққатини тортади. Унинг асарлари ҳаётиниликка асосланганлиги учун, халқона руҳга эга эканлиги билан ўз ўқувчиларига эга.

Китобхон ўқиш жараёнида ўзига таниш бўлган манзараларга дуч келади. Ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида учраб турадиган ҳолатларнинг гувоҳи бўлади. Бу эса китобхонни адиб асарларига янада боғлайди.

Франц Ҳолер ижоди фақат ўз юртдошларини эмас, ўзга миллат вакилларини ҳам беътибор қолдирмайди. Шу сабабли ҳам унинг бир неча тиллардаги таржималари мавжуд. Бу эса адибнинг ижодига қизиқиш ортаётганлигидан далолатдир. Унинг асарларидаги қаҳрамонлар асосан оддий халқ вакиллари. Китобхон уни ўқиётганда ўз яқинини кўргандек ҳис қилади. Чунки барча учун умумий бўлган ҳолатлар кўп учрайди. Кўринишидан эътиборга молик бўлмаган бир воқеа тарзида кўринса ҳам, лекин ёзувчининг маҳорати билан у китобхон назарида қизиқ бир асар тусини олади. Ҳажман кичик бўлган насрий асарларда, ҳамма учун қизиқарли бўла оладиган воқеаларни акс эттиради.

Бадиий сўз санъаткори Франц Ҳолернинг ижодини ўргана туриб, унинг асосий йўналишларидан бири реалликка ёндашувдир, яъни ҳаётиниликка асосланган ижод қирраси алоҳида эътиборимизни тортади.

Франц Ҳолер бугунги кунда дунёнинг немис тилли аудиториясидаги энг кўп ўқиладиган адиб саналиб, асарлари дунёнинг 30 дан ортиқ тилларига таржима қилинган, шу сабаб, ёзувчи ижоди жаҳон миқёсида кўп мартаба илмий таҳлилга тортилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Франц Ҳолер – кичик наср устаси. Ёзувчи билан Германия радиосида бўлган суҳбатда бу ҳақда шундай дейди: “Кичик наср худди зимистонни ним ёруғ қилиб турган чироқ мисолидир. Бу шакл ҳаммани мени ўзига жалб қилган. Ҳажман катта асарларда эса чироқ бутунлай ҳаммаёкни ёритиб туради. Масалан, роман – мисоли боғ, сиз китобхонларни ўша боққа сайр қилишга таклиф қиласиз, улар буталар ва дарахтлар остидаги ўриндиқларда ўтириб, тасодифий одамлар билан кўришиб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Охир-оқибат, ўша одамлардан бири боғда узоқ қолади-да, учраган одамлардан бири билан суҳбатлашиб қолади. Насрнинг ҳар иккала шаклида ҳам, хоҳ кичигида, хоҳ каттасида бўлсин, ижод қилавераман. Миямга янги ғоя келиши билан, бу ҳикоями ёки роман бўла олиши мумкинлиги ҳақида ўйлайман ва кўпинча ҳикоя ёзаман”[8]. Адиб шундай қилди ҳам. Ижодий фаолияти давомида ёзувчининг 4 та романи ва бугунги кунга қадар саноксиз ҳикоялари чоп этилди.

Кичик жанрда ижод қилишининг асосий сабаби ҳақида гапираркан, Франц Ҳолер: “Болалигим деярли бувимникида ўтган. Бувим ухлашимдан аввал менга эртак эмас, ҳикоялар айтиб берарди. Ҳикоялар шу қадар ҳаққоний эдики, улар асосан, бувимнинг болалиги, ёшлиги, унинг ҳаёти давомида кўрган-кечирганлари, босиб ўтган йўллари ҳақида бўларди. Воқеалар оддийгина қишлоқда, содда одамлар, яъни бобом ва бувимнинг ҳаёти ҳақида бўларди. Бувим ҳикояларининг асосий қаҳрамони бобом бўлиб, бобом иштирокидаги воқеаларни шу қадар кўп эшитганимдан, у ҳақида аниқ тасаввурга эга эдим. Ҳикоялар бобомнинг ўта реалист ва ҳақиқатгўй эканлиги тўғрисида бўларди. Энг муҳими, бувим ҳикояларининг тили ўзи ва унинг ҳаёти сингари ниҳоятда содда, равон бўлиб, шу боис бола кўнглим билан ҳар бир воқеани илғашим осон кечган[9]”.

Дарвоқе, Франц Ҳолер ҳикоялари ихчам, воқеалар сюжетининг сиқиклиги билан эътиборни тортади ва тез ўқилиб чиқилади. Франц Ҳолер ҳикояларини кўпчилик ўқийди. Муаллифнинг ўзи ҳам кичик жанрда ижод қилишнинг афзаллиги ҳам айнан шунда, яъни уни ўйлантирган масала ҳақида бошқаларни ҳам қизиқтиришини истайди.

Шу тарзда Франц Ҳолер оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида, ўзи ҳақида ёзганларида асосий эътиборни биографияси ҳамда ижодий фаолиятига қаратади ҳамда унинг адабиётга, хусусан кичик насрга нисбатан қизиқиши ҳали болалик чоғлариданоқ, оиласи даврасида бошланганини таъкидлаб ўтади.

Франц Ҳолер ижодининг серқирралиги замондош ёзувчиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Швейцариялик ёзувчи Ханс Гмюр “Франц Ҳолер – кичик санъат учун катта умиддир” номли тақризида Франц Ҳолер кичик ҳикояларига ниҳоятда юксак баҳо бериб, ҳикоялар ҳажман кичик, сюжети сиқик бўлса-да, композицион тузилиш жиҳатдан катта ҳикоялар мазмунини беришини ёзади. Бошқача қилиб айтилганда, Ханс Гмюр Франц Ҳолер ҳикоялари ҳажм жиҳатдан кичик, сиқик бўлса-да, мазмунан бутунликка эга эканлигини алоҳида таъкидлайди.

60-йиллардаёқ ёзувчи томонидан тўртта тўплам чоп этилиб, уларнинг асосий қисми, яъни учтаси якка дастур тарикасида сахнада адибнинг ўзи томонидан сахналаштирилди. Дарвоқе, Франц Ҳолер ҳақида гап кетганда, унинг “эстрада прозаси” йўналишида ҳам ижод қилганини айтиб ўтиш жоиздир. Франц Ҳолер – эстрада прозаси бўйича Европадаги энг кўп сахна асарлари яратган муаллиф ҳамдир. Унинг шу кунга қадар якка дастурда 14 та асари, театр сахнасида 12 та асари сахналаштирилган. Бундан ташқари, 15 та асари катталар учун, 13 таси болалар учун овозлаштирилган, 12 та асари эса ёзувчининг ўзи томонидан ўқилиб, овозлаштирилган. 70-йилларга келиб, Франц Ҳолернинг кичик жанрлардаги, хусусан, олтига ҳажман энг кичик ва катта ҳикоялари нашрдан чиқди.

Бизга маълумки, адабиётшуносликда идиллик насрнинг ўз ўрни мавжуд. “...идиллиявий талқин одамзотнинг табиий турмуш тарзи, оилавий ҳаёт йўлидаги тажрибалари, фикр-қарашлари, одам ва олам ҳақидаги хулосаларининг бадий умумлашмасидир”[10]. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Франц Ҳолернинг 1970 йилда унинг “Idyllen” (Идиллия) сарлавҳаси билан илк ҳикоялари тўплам сифатида нашрдан чиқишининг аҳамияти катта бўлди. Мазкур тўпламдан ўрин олган ҳикоялар асосан, ёзувчининг қарашлари, хулосалари ҳақида бўлганлиги учун ҳам айнан “Идиллиялар” деб номланди. Сарлавҳаларига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган, унда 30 та жой номи билан боғлиқ воқеалар келтирилади. “Унинг гаплари ниҳоятда қисқа, ортиқча бўрттиришларсиз, сокин...”[11], дейди машҳур швейцар ёзувчиси Урс Видмер. Немис адиби Карл Кролов эса Франц Ҳолерни “кичик проза бўйича Марије Луизе Кашнитц ва Гюнтер Айх издоши”[12] сифатида тан олади.

Юқорида номлари келтирилган ёзувчилар Марије Луизе Кашнитц ва Гюнтер Айхлар XX аср бошларида ижод қилган ва ҳикоя жанрида самарали фаолият юритган машҳур немис ёзувчиларидир. Франц Ҳолернинг уларнинг издошлари сифатида тан олиши айни ҳақиқатдир.

1981 йилда Франц Ҳолернинг “111 та бир бетли ҳикоялари” (“111 einseitige Geschichten”) тўпламига ёзувчи Петер Хэртлингнинг “Мутолаа аҳамияти” номли мақоласида “Франц Ҳолер – худди Йоҳан Петер Хебел ва Роберт Валзер, Петер Биксел, Райнхард Летау ва албатта, Гюнтер Бруно Фукс, Франц Кафка, Бертолт Брехтлар сингари ҳикоялар устаси деган мақомга эга[13]”лигини айтади.

Шундай қилиб, Франц Ҳолер билан замондош ёзувчилар унинг ижодини юқори баҳолаб, адиб кичик насридаги ихчамлик, метафорага бойлиги, шунингдек, сюжет ва композициясининг ўзига хослиги жиҳатидан бугунги куннинг энг моҳир ҳикоянависи деб ҳисоблайдилар.

Франц Ҳолер ижоди Швейцария ва Германия оммавий-ахборот воситаларида ҳам кенг миқёсда ёритиб берилади. Ёзувчи асарларига доир фикр-мулоҳазалар унинг китобхонларини ҳеч қачон бефарқ қолдирган эмас.

Роман Бухели Франц Ҳолер кичик ҳикояларида дунё бўйлаб сайр қилгандек бўлганини айтиб, хаёлан Тошкентдаги Қуръон музейида бўлганини, у билан бирга муқаддас китобга ҳурмат бажо келтирганини

айтади. “Унинг ҳикояларида вақт содир бўлаётган дақиқада тўхтаб қолгандек бўлади”, дейди машҳур журналист. Франц Ҳолер ижоди ҳақида гап кетар экан, унинг – саёҳатчи ёзувчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, унинг ҳикояларида катта-кичик давлатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, ҳатто инсон қадами етиши мураккаб бўлган жойлар тасвири таъсиридан китобхон чиқолмай қолади ва мутолаа чоғида муаллифга ҳамроҳ бўлади. Масалан, 1975 йилда Франц Ҳолернинг “Wo?” (Қаерда?) сарлавҳаси билан яна бир кичик ҳикоялари тўплами босилиб чиқади. Машҳур ношир ва танқидчи Михаил Крюгернинг миллий газетада чоп этган мақоласи² айнан ушбу тўплам ҳақида бўлиб, ёзувчини “кундалик ҳаёт файласуфи” дея атайди, “Франц Ҳолердаги кўриш ва ҳис қила олиш сифати ҳеч биримизда йўқдир” дейди Михаил Крюгер. Ҳақиқатдан ҳам, кундалик ҳаётнинг кўз илғамас воқеликларини маҳорат билан илғаб, ўша кичик воқеликни реалистик услубда мозаик тасвир орқали ифодалайди.

Худди шу фикрларни Сабине Дёринг ҳам қўллаб-қувватлайди ва Франкфурт газетасидаги мақоласида Франц Ҳолернинг мўъжаз ҳикояларни бир марта ўқиш кифоялигини, улар худди хотирага муҳрлангандай, йиллар ўтса-да, эсдан чиқмаслигини, ҳикоялардаги тафсилотлар кутилмаганда ўз-ўзидан хаёлга келаверишини, бунга сабаб, айтилган ҳикоялар матнига турмушнинг бир парчаси лўнда ва улардан ҳаёт нафаси уфуриб туришини эътиборидан четда қолдирмайди.

Вернер Вебернинг “Янги Цюрих газетаси“да чоп этган “Франц Ҳолер ҳикоялари”деб номланган тақризида ҳам адиб деярли барча ҳикояларидаги ўзининг иштироки билан воқеаларга ишонтира олишини айтиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Франц Ҳолер ижоди ҳақидаги оммавий-ахборот воситаларида қуйидаги жиҳатлари ёритилади: ёзувчи кичик насридаги ихчамлик, хотирада тезда сақланиб қолиши, ҳаёт суратлари, кундалик турмуш воқеалари, реаллик, адибнинг воқеликларда иштироки ҳамда муносабати, кичик сюжетларда ҳам композицияни маҳорат билан бера олиши унинг ижодига бўлган қизиқишни орттиради.

Франц Ҳолер ижоди тўғрисида нафақат публицистик жанрдаги мақолалар, балки унинг ҳикоялари таҳлилга тортилган илмий мақолалар ҳам мавжуд.

Адабиётшунос Йозеф Ханман Франц Ҳолер ҳикояларига берган тақризида ёзувчи ҳикояларидаги заковат ва ҳиссиёт уйғунлигини, тили жиҳатидан кичик жанрлар талабига мос келишини, кундалик масалаларнинг долзарблиги сўз ва жанр қоришиқлигида кўринишини таъкидлайди.

Ўша даврнинг таниқли инглиз танқидчиси Юлиус Альберт Хёстерейнинг “Яширин бўлмаган завқ” номли мақоласи Шпандау (Берлинга яқин жойда жойлашган) вақтли матбуотида немис тилида чоп этилди ва мазкур мақолада Франц Ҳолер ижодининг илк палласигаёқ юқори баҳо берилиб, ёзувчининг “ҳикоя жанрининг устаси”, дея атади.

Қизиғи шундаки, худди ўша куни, ўша сана, ўша йилда ҳанноверлик профессор Ҳорст Гарбе ҳам “Ёлғиз сайёҳ пиццикатоси[14]”мақоласида

Франц Ҳолер кўпинча кўрган-кечирганларини эринмай қоғозга тушириб, кичик ҳикоя остида катта бадиий асарни жойлаштира олишини юқори баҳолайди.

Бундан ташқари, Франц Ҳолер ижоди тўғрисида немис олимлари Армин Айреннинг Баден илмий-оммабоп газетасида адибнинг “Кўк чумоли” номли ҳикоялари тўпламига бағишланган салмоқли мақола[15] си чоп этилади ва мазкур мақола Европа илм аҳли ўртасида кенг шов-шувга сабаб бўлди. Мақолада олимлар Франц Ҳолер ҳикоялари ҳажман ихчам, мазмунан теран, услуби ёрқин мумтоз ҳикоялар санъатдаги реализм йўналиши бевосита ҳаётга асосланиши ва шу боис бениҳоя таъсирчанлигига алоҳида урғу беради.

Михаел Коетцлининг “Франц Ҳолер” номли мақоласида[16] “Ҳаётни бу тариқа бадиий акс эттирган асарлар, жумладан, ҳикоялар инсониятга жуда кўп нарса берди: улар, аввало, ижтимоий воқелик тўғрисида мушоҳада юритишга, ҳар бир кишининг қувончи, ғами жамиятга бевосита боғлиқлигини англашга ўргатди; айти асарлар таъсирида кишилар ҳаётда фаол бўлиш зарурлигини ва бунга ҳар бир одам – эркак ҳам, аёл ҳам, ёш ҳам, кекса ҳам тўла ҳақли эканини тушуниб етди. Инсонни ижтимоий воқелик билан узвий алоқада тасвирлаган, ижтимоий-тарихий шароитнинг инсон тақдири ва феъл-атвориға таъсирини теран бадиий тадқиқ этди”, дея адиб ижодини юқори баҳолади.

Адабий танқидчи Вернер Вебер ёзувчи Франц Ҳолернинг 1973 йилда чоп этилган ўн битта ҳикоядан иборат “Der Rand von Ostermündigen” (“Карнай иштаҳа”) тўпламига тақриз ёзаркан, муаллифнинг сўз танлаш борасидаги маҳоратини юқори баҳолайди, мутолаа чоғида бирорта сўзни тушириб қолдиришнинг ўзиёқ гап нима ҳақида кетаётганлигини англаб олишга халақит беришини изоҳлайди[17].

Худди шу тўплам ҳақида Сибелле Вирсинг ҳам ўзининг “Überall und nirgends” номли мақоласида Франц Ҳолер ҳикояларидан ҳаётнинг қанчалар оддий эканини англашимизни айтади. Ҳикоя жанрининг адабиёт учун қанчалар аҳамият касб этишини истасангиз, Франц Ҳолерни ўқишимиз зарурлигини таъкидлайди. Вилхелм Кюлманнинг “Цюрихда зилзила хавфи” мақоласи, адабий танқидчи Томас Линденнинг адибнинг “Мен яшайдиган жой” номли китобига рецензиясида Франц Ҳолернинг асосий мақсади – инсон маънавиятининг серқирра жиҳатларини текшириш, одам руҳиятидаги кўз илғамас жиҳатларни тадқиқ этишга уриниш эканлигини айтиб ўтади. Зеро, бугунги кун адабиёти деганда кўпчилик замонавий асарларда ҳаёт воқеаларини эмас, унинг марказида турган инсоннинг зиддиятли ўй-хаёлларини, кечинмаларини тасвирлашни тушунади. Бу балки тўғри мушоҳададир, аммо ҳаёт билан инсон узвий боғлиқ экан, у яшаб турган оламда нималар содир бўлаётганини сира инкор этиб бўлмайди. Инсонни қуршаб турган олам инсон ҳаётига таъсир этмай қўймайди, зотан содир бўлаётган ҳар бир воқелик инсон иштирокида содир бўлади. Шу жиҳатдан, “Франц Ҳолер ижоди шу маънода ҳам терандир. У инсон ҳаётидаги воқеликни унинг тақдири билан узвий боғлаб, шу қадар устумонлик билан

ифодалайди”, – дея баҳо беради Беатрис Матт Франц Ҳолер қаламига мансуб „Кўк чумоли” ҳикоялар тўпламига ёзган тақризида. Дарвоқе, кишиларнинг ўзини англаши, ҳаётлари ҳақида ўйлаб кўриши ва маълум хулосалар чиқариши – унинг бошидан кечирганларига ҳам боғлиқ эканлигини адиб англайди.

Шунингдек, Беатрис Матт Франц Ҳолернинг “Қайта маҳв этиш” („Rückeroberung“, 1982) ҳикоялар тўпламига тақриз ёзар экан: “Ёзувчининг ёзганлари ҳақиқат эмасдир-ку, аммо ҳаққоний”, дея баҳо беради. Ваҳоланки, асар ҳаққонийлиги унинг кенг китобхонлар ўртасида жой топиш имконини берди. Унинг жонли сўзлашув тилидан ўта моҳирона фойдаланишини Бит Маценауэрнинг “Оролдаги кимса” ҳикоялар тўпламига бағишланган мақоласида кўришимиз мумкин. Гарчи бундай қилиш кўпчилик ёзувчиларга хос бўлмаса-да, Франц Ҳолер бу фикрни четлаб ўтади, бу унинг сўзга ёки ҳамкасбларига ҳурматсизлигидан эмас, аксинча, адиб асарларини оддий халқ учун ҳам тушунарли бўлишини истайди ва мақсадига етиша олди, десак, муболаға бўлмайди.

Сузанне Шабер „Франц Ҳолернинг кундалик ҳикоялари” деб номланган тақризида “Франц Ҳолер ижодида назм ва наср ўзаро уйғунлашади”, дейди. Унинг ижодидаги лиризмни ниҳоятда гўзал табиат тасвирларида кўрамиз, лирик маҳорати орқали насрни янада бадиийлаштиради. Ажойиб томони шундаки, Франц Ҳолер прозасининг мана шу услубий хусусиятлари бир-бирига халал бермасдан, бир-бирини туртиб чиқармасдан, аксинча, бир-бирини тўлдириб, бўрттириб, таъкидлаб келади. Гоҳида дидактик мотивлар меъёридан ошиб кета бошлаган чоғда тасвир кутилмаганда ажиб лирик чекинишлар, гўзал табиат манзаралари билан алмашади.

Юқоридаги илмий мақолалардаги фикрларга таянган ҳолда, Франц Ҳолер ижодини куйидаги сабабларга кўра ўрганиш ўта аҳамиятлидир: адиб танлаган мавзуларининг долзарблиги, унинг кичик жанрларнинг барча турларида ижод қилиши, кундалик ҳаёт икир-чикирларини ёритишда маҳорат билан ёндашиши, унинг жамики ҳикоялари ҳаёт ҳақиқатига айланиши, сермазмун эканлиги, эркин услуб, реалистик анъаналарнинг сақланиши жиҳатидан ҳам ёзувчи ҳикояларини илмий тадқиқ қилиш муҳим эканлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, Франц Ҳолер ҳикоялари тарбиявий-дидактик аҳамиятга ҳам эгадир. Унинг ҳикоялари бошланғич ва ўрта таълим дастурларига киритилганлиги бежиз эмас.

Адиб ижтимоий ҳаётни ёритишда ўта маҳоратли саналади, ҳикояларида оддий турмуш фалсафасини ярата олди, тасвирларида лирик услубдан ўта моҳирлик билан фойдаланади ва Франц Ҳолер – табиат суратини сўзларда чиза олган, соддаликни улуғворлик даражасига олиб чиқа олган ёзувчидир.

Табиийки, бундай сермаҳсул ижод давр олимларини ҳам бефарқ қолдирмади. Франц Ҳолернинг кичик жанрдаги асарлари борасида катта илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Энг катта изланиш адабиётшунос Петер Блуме томонидан олиб борилган. Петер Блуме “Замонавий ҳикоя

жанрининг коммуникатив аспекти” мавзусида докторлик иши устида тадқиқот олиб бориб, илмий ишининг таҳлил манбаи сифатида Франц Ҳолер ҳикояларини олди. Олим ўз ишида Франц Ҳолер ҳикоялари – мулоқот воситаси сифатида келишини, адиб кичик насрларида реалликка ёндашув масалаларини тадқиқ қилади. “Ёзувчи, – дейди у, – шунчалар кўп ҳикоялар ёздики, натижада, адабиётшуносликда кичик жанр назарияси кенг тадқиқ этила бошланди”.

Мазкур ишда Петер Блуме Франц Ҳолернинг бадиий имкониятларини ёритиб, шунингдек, муаллиф ва китобхон ўртасидаги коммуникатив, мулоқот аспекти борасидаги услуб чегарасини ўрганади. Бунинг учун олим Карл Бюлер ва Роман Якобсонс назарияларига таянади. Диалогга йўналтирилган адабий матн, энг аввало, оғзаки воқеликда шаклланиб, кейин ёзма тарзда муаллиф иштирокида (ҳикояда муаллифнинг ўзи бирламчи қаҳрамон сифатида келади) китобхонга мурожаат қилади. Бундан ташқари, муайян давр насрида Франц Ҳолер ҳикояларидаги бадиий тафаккурнинг китобхон тафаккури билан қоришиқлиги масаласи, адиб қаҳрамонларининг ўзига хос оламидаги зиддият ва мураккабликларнинг ҳам содда тилдаги ифодаси, персонажлар руҳий дунёсидаги асосий бадиий-эстетик тамойиллар, ҳикоячилик анъаналаридаги реалистик қарашлар ифодаси, ёзувчининг образ яратишда бадиий таҳлил усулидан ўринли фойдалана олиши, эркин баён усулининг адиб ижодида фаоллашуви, воқеликка ўз “Мен”и орқали ёндашуви, адиб кичик насрларида ёзувчи – китобхон мулоқоти шаклининг фаол қўлланиши тадқиқ этилади.

1972 йилда Петер Андре Блох ва Эдвин Хубахерлар “Замонамиз адиби” деб номланган тадқиқот ишларида Франц Ҳолер ижодини ўрганадилар. Улар Франц Ҳолер ҳикояларида ҳаётнинг ҳамма кўрадиган жиҳати тасвирланишини, яъни унда кечган турли воқеалар ва улардаги иштирокчилар ҳолати, хатти-ҳаракати гавдалантирилишини айтиб ўтадилар. Шу икки олим томонидан 1975 йилда „Замонавий адабиёт” тўпламига тақриз нашр этилиб, тўпламга Франц Ҳолер ижодий фаолиятига алоҳида ёндашилди. Тадқиқотга кўра, Франц Ҳолер энг кўп мурожаат қиладиган мавзу – бу ўзи яшаб турган олам, қишлоқ мавзуси, инсоннинг табиат билан уйғунлашуви, адиб ўз қаҳрамонларини табиатга яқинлашишга ундаши, бундан ташқари персонажлар тафаккуридаги ривожланиш, ривожланган тафаккурнинг ўзгариши, воқеалар изчиллигидаги динамика, қаҳрамонларнинг атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ақлан ёндашиши оқибатида ўз қадрини англаши, персонажлар интеллектуал салоҳиятининг нечоғли даражада эканлигини оддий воқеаларга нисбатан билдирган муносабати орқали кўрсатиб бера олишини юқори баҳолайдилар.

Франц Ҳолер ҳаёти ва ижоди замондош ёзувчиларда у ҳақида катта асарлар ёзиш истагини ҳам туғдирди.

Михаел Бауэр ҳамда Клаус Сиблевскиларнинг „Франц Ҳолер. Матнлар, саналар, суратлар” китоби ёзувчининг асарлари ва унинг ижодий фаолиятига бағишланган китоби етти бўлимдан иборат бўлиб, дастлабки уч бўлим Франц Ҳолернинг ўзи ҳақидаги мушоҳадалари, у билан бўлган суҳбатлар, адиб

тўғрисидаги турли маълумотларни ёритса, тўртинчи бўлимда Франц Ҳолернинг кабарэ ижрочиси сифатидаги фаолияти ҳақидаги мақолалар, бешинчи бўлимда адибнинг катта ёшдагилар учун, олтинчи бўлимда болалар учун ёзган асарлари тўғрисида билдирилган мулоҳазалар, еттинчи бўлимда Франц Ҳолернинг вақтли матбуотда чиқишлари ҳақидаги маълумотлар берилган.

Шунингдек, Мартин Ҳауценберг томонидан 2015 йилда нашр этилган “Франц Ҳолер – реалист фантаст” деб номланган 392 бетдан иборат китобида ҳам ёзувчи ижоди ҳақида энг сара ва сўнгги маълумотларни берилади, китобнинг кириш қисмида муаллифнинг ўзи Франц Ҳолер ҳақида фикрларини ёзар экан: “Мен ҳам адабиётшунос, ҳам ёзувчи бўлганлигим боис, мазкур китоб ҳам худди шундай мазмунга эгадир”, дейди ва китоб 13 бўлимдан иборат бўлиб, “Болалик” қисмида ёзувчининг болалик хотиралари, туғилиб ўсган жойлари, мактаб даври, “Ёшлик” бўлимида адибнинг ёшлик чоғлари мусиқа ва адабиётни уйғунлаштиришни бошлаганлиги ҳақида, спорт, оила, расм унинг учун қадрли бўлганлигини ёзади. “Олий таълим” бўлимида университетнинг германистика факультетида таҳсил олган кезлари, қизиқишлари ҳақида, тўртинчи ва бешинчи бўлимларида илк машғулотлари ҳамда дастлабки китоблари, олтинчи қисмини “Урсула ва болалар” деб номлаб, унда адибнинг оиласи ҳақидаги батафсил ва қизиқарли маълумотлар ўрин олади. Кейинги фаслида 1973 йилда ёзувчи ҳаётидаги энг кўп воқеалар содир бўлганини, яъни ўша йили кабарэ ижрочиси сифатида ва болалар адиби сифатида ҳам телелойиҳаларга қўл урганини, янгидан янги ҳикоялар ёзганини айтади. Кейинги қисмлар Франц Ҳолернинг 80–90- ва 2000 йиллардаги ижоди, ёзувчининг болалар адиби сифатидаги фаолияти ҳақида гап кетади. Китоб муаллифи адиб ҳақидаги шов-шувли воқеаларни ҳам четлаб ўтмайди, масалан, 70-йилларда Франц Ҳолер ўз телечикишлари билан баъзи бир сиёсатчиларни танқид остига олгани туфайли, у сахнадан ва телевидениедан маълум муддатга четлаштирилади. Шунинг таъсирида, Франц Ҳолер 80-йилларда давлат миқёсидаги мукофотлардан мосуво бўлса-да, уни томошабинлар қўллаб-қувватлашади. Бу эса танқидчиларга ёқмайди. 90-йилларда эса Франц Ҳолер сахналарда омма олдида ўз асарларидан мутолаа қилиш бўйича Европа адабиёт аҳлини ортда қолдирганини ҳам ёзади.

Бундан ташқари, китобдан адабий танқидчиларнинг ва адабиётшунос олимларнинг Франц Ҳолер асарлари талқин қилинган мақолалар ҳам ўрин олган. Танқидчи олима Беатрис Айхман-Лойтенеггер: “Мен унинг ҳикоянавис сифатидаги топқирлигига қойил қоламан. У ҳар кимнинг ҳам кўзи илғамайдиган ҳодисаларни устомонлик билан баён этади. Адиб биз кундалик ҳаётимизда кўравериб кўникма ҳосил қилган ҳолатларни шу қадар ёритиб берадики, беихтиёр ташвишга туша бошлаймиз”.

“Франц Ҳолернинг ҳикоянависликда ақл бовар қилмас қобилиятга эга, у воқеликнинг тағ замирини очиб беради. Унинг ҳикоялари жамият ривожини силсиласидир. Адиб кичик ҳикоялар ёзишни санъат даражасига олиб чиқди. Ҳикоялари қанчалик қисқа бўлмасин, уларнинг моҳияти покиза ва софдир”.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, Франц Ҳолер ҳикояларида кундалик ҳаётда содир бўлаётган воқеалар орқали унинг марказида турган инсоннинг ўй-кечинмаларини тасвирлаш устувор бўлаётгани кишини қувонтиради. Чунки бу кишиларнинг ўзини англаши, ҳаёти ҳақида ўйлаб кўриши ва муайян хулосалар чиқаришига кўмаклашади. Франц Ҳолер ҳикояларида инсоннинг ботинини, ҳиссий оламини кўрсатади. Унинг ижодида фақатгина воқеалар тасвири эмас, асосий эътибор сезги, туйғулар тасвирига ҳам қаратилади. Франц Ҳолер ҳикояларидаги кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир ҳодиса инсонга фикрлаши учун туртки, мушоҳада юритиши учун асос бўла олади.

Адабиётлар:

1. Martin Hauzenberger: Franz Hohler. Der realistische Fantast. Römerhof, Zürich 2015.
2. Peter Blume: "Ich möchte Ihnen eine Geschichte erzählen ...": kommunikative Aspekte moderner Erzählliteratur am Beispiel des literarischen Werks von Franz Hohler, Wuppertal 1997. S.23.
3. Michael Bauer, Klaus Siblewski (Hrsg.): Franz Hohler: Texte, Daten, Bilder. Luchterhand (SL 1038), Darmstadt 1993.
4. Franz Hohler. Das verlorene Gähnen und andere nutzlose Geschichten. Benteli, Bern 1967.
5. Franz Hohler. Wegwerfgeschichten. Zytglogge, Gümligen 1974.
6. F. Hohler. Spaziergänge. Luchterhand Verlag, 2014.
7. F. Hohler. Ein Feuer im Garten. Luchterhand Verlag, 2015.
8. Франц Ҳолер. Сайр сайқали. Ҳ. Қўчқорова, Ф. Соатовлар таржимаси. Т.: "Академнашр", 2018.
9. Gespräch mit Ute Wegmann im Deutschlandrundfunk, Donnerstag, 14.10.2021. Siblewski Klaus. Bauer Michael. Franz Hohler. Texte, Daten, Bilder. – Hamburg: Luchterhand Literaturverlag, 1993. - S.17-18.
10. У. Жўрақулов. Оталар фалсафаси ёхуд идиллик наср ҳақида//Бобур ва дунё, 2020 йил № 2. 25-34-бет.
11. Widmer Urs. Alphabetische Idyllen. Aus: Frankfurter Allgemeine Zeitung vom 22. September 1970.
12. Krolow Karl. Boshafte Collagen. Aus: Hannoversche Allgemeine Zeitung vom 12./13. Dezember 1970.
13. Härtling Peter. Lese-Köder. Aus: Die Zeit vom 6. August 1982.